СОЛИҚ ЮКИНИНГ КОРХОНАЛАР ФАОЛИЯТИ КЎРСАТКИЧЛАРИГА ТАЪСИРИНИ ЭКОНОМЕТРИК ТАДҚИҚ ҚИЛИШ

Тошев Фазлиддин Зайниддинович
Бухоро муҳандислик-технология институти,
Иқтисодиёт ва менежмент кафедраси
катта ўқитувчиси

Аннотация. Илмий мақолада нефть-газ саноати корхоналари солиқ юкини оптималлашишига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар орқали аниқлаш, корхоналар даромадларини ошириш, солиқ ва мажбурий тўловларни камайтириш ва солиқ юкини оптималлаштириш йўлларини белгилаш бўйича таклиф ва тавсиялар баён этилган.

Калит сўзлар: солиқ, солиқ юки, нефть-газ саноати корхоналари, эконометрик моделлар, жами солиқлар ва тўловлар, корхонанинг шартномавий нархларда сотишдан тушган тушуми, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар, сотилган маҳсулот таннархи.

Аннотация.. В научной статье представлены предложения и рекомендации по выявлению факторов, влияющих на оптимизацию налоговой нагрузки предприятий нефтегазовой отрасли посредством эконометрических моделей, увеличению доходов предприятий, снижению налогов и обязательных платежей, а также определению направлений оптимизации налоговой нагрузки.

Ключевые слова: налог, налоговая нагрузка, предприятия нефтегазовой отрасли, эконометрические модели, совокупный объем налогов и платежей, выручка от реализации продукции предприятия по договорным ценам, стоимость основных фондов, инвестиции в производство, себестоимость реализованной продукции.

Abstract. The scientific article presents proposals and recommendations for identifying factors affecting the optimization of the tax burden of oil and gas industry enterprises through econometric models, increasing enterprise income, reducing taxes and mandatory payments, and identifying ways to optimize the tax burden.

Keywords: tax, tax burden, oil and gas industry enterprises, econometric models, total taxes and payments, enterprise sales revenue at contractual prices, value of fixed assets, investments in production, cost of goods sold.

Кириш. Бугунги кунда корхоналар зиммасига ортиқча солиқ юки уларнинг тўғри ишлашига тўсқинлик қилувчи, тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилувчи салбий омил ҳисобланади. Юқори солиқ юки иқтисодиётнинг соя секторга ўтишига олиб келиши мумкин. Солиқ ставкалари юқори бўлганда, айрим тадбиркорлар ва жисмоний шахслар қонуний солиқ

ISSN 3030-3907

мажбуриятларини бажармаслик ёки камайтириш мақсадида норасмий иқтисодиётга ўтишга ҳаракат қилишлари мумкин. Шундай қилиб, муваффақиятли бошқарувнинг муҳим жиҳати ҳар бир корхонанинг муайян жиҳатларини ҳисобга олган ҳолда солиқни оптималлаштириш усулларини қўллашдир. Солиқларни самарали оптималлаштириш, уларни доимий равишда корхонанинг ўзига хос хусусиятларига мослаштириш учун солиққа тортишнинг мавжуд усуллари мажмуасини қўллаш керак. Солиқ юкини камайтиришнинг мавжуд усулларини ички солиқ қонунчилигининг тез-тез ўзгариб туришини ҳисобга олган ҳолда қайта кўриб чиқиш ва такомиллаштириш танланган тадқиқот мавзусини долзарблигини белгилайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида Фармонига[1] кўра барқарор иқтисодий ўсиш орқали аҳоли фаровонлигини таъминлашда «Яширин иқтисодиёт»ни қисқартириш орқали солиқ базасини кенгайтириш имкониятларини ишга солиш ва «Яшил иқтисодиёт»га ўтиш, унда қайта тикланувчи энергиядан фойдаланиш кўрсаткичларини сезиларли даражада ошириш, монополия соҳаларини бозор тамойилларига босқичма-босқич ўтказиш, иқтисодиётда хусусий сектор улушини ошириш ва тадбиркорларга эркин фаолият юритиши учун қулай шароитлар яратиш, солиқ тизимининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, бизнес учун қўшилган қиймат ва фойда солиқ ставкаларининг уч йил давомида оширилмаслиги кафолатини бериш, солиқ тизимини тўлиқ рақамлаштириш, соддалаштириш ва тадбиркорлар учун тенг имкониятлар яратиш, расмий секторнинг нолегал фаолиятдан устун бўлишини таъминлаш учун барча зарур шароитларни яратиш каби 2030 йилгача эришиладиган мақсадлар белгилаб олинди

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда нефть-газ саноати корхоналари солиқ юкининг ўзаро таъсирини эконометрик моделлаштириш орқали унинг оптималлашига таъсир этувчи омилларни аниқлаш ва статистик маълумотлар ёрдамида тавсифлаш муҳим ҳисобланади.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили. Ижтимоий-иқтисодий жараёнларни ташкил қилиш ва тартибга солишда солиқ юкининг таъсирини ўрганиш тарихий жиҳатдан муҳим тадқиқот йўналишларидан бири ҳисобланади. Олинган натижалар кўплаб тадқиқотчилар, сиёсатчилар ва амалиётчи мутахассисларнинг эътиборини ўзига жалб қилган. Улар асосан солиқ юкининг иқтисодий фаолиятга таъсири, солиқ юкининг хўжалик субъектлари ва жисмоний шахслар ўртасидаги тақсимоти, солиқ юкини бошқа субъектларга оғриқсиз ўтказиш ҳамда солиқ тўловчи субъектларнинг молиявий ҳолатига таъсирини юмшатиш каби масалаларни тадқиқ қилишган.

ISSN 3030-3907

Шундай бўлишга қарамасдан солиқ юкининг энг оптимал даражасини аниқ баҳолай олиш масаласи ҳамон ўз эчимини топмаяпти.

Солиқ юкини макродаражада аниқлаш борасида олим ва мутахассислар томонидан бир-бирига яқин ва ўхшаш ёндашувлар мавжуд. солиқ юки солиқ мажбуриятининг макродаражадаги оғирлигини, яъни бутун иқтисодиётга тушадиган оғирлиги сифатидаги хусусиятлари Ф.Юсти[2], К.Брауер[3], А.В, Ваҳобов ва А.С.Жўраев[4], Қ.Яхёев[5], Т.С. Маликов[6]ларнинг илмий асарларида кузатилади. Ш.Ш.Тўраев, микродаражадаги солиқ юки - солиқлар ва тўловларнинг хўжалик юритувчи субъектнинг маҳсулот сотиш ҳажмига нисбатан ҳисобланишини[7] бир қатор илмий изланишларда ёритилган.

Корхоналар иқтисодий фаолияти натижасида маълум бир иқтисодий фойда оладилар. Иқтисодий фойданинг бир қисмини давлат бюджетига фойда солиғи кўришида тўлайдилар. Шу билан бир қаторда корхоналар учун солиқлар турларининг ортиб бориши ҳам бир томондан корхонанинг имкониятларини чеклаши ҳамда янги фаолият йўналишларини танлашга имкон беради.

Бугунги кунда корхоналар учун солиқ юки қандай бўлиши керак, солиқ юкини камайтириш учун корхоналар нималарга эътиборларини қаратишлари керак, деган саволлар корхоналар учун энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Тадқиқот методикаси. Тадқиқотда солиқ юкининг корхоналар фаолият кўрсаткичларига таъсир этувчи омилларни эконометрик моделлар орқали аниқлаш, корхонадаги яқин йилларда кутилаётган ўзгаришларни ҳисобга олиш ва шу орқали солиқ юкини оптималлаштиришни ўрганиш методологияси қўлланилиб, бу борада мутахассислар фикрини ўрганган ҳолда, илмий абстракциялаш, таҳлил ва синтез, индуксия ва дедуксия, статистик гуруҳлаш, тизимли ёндашув, кузатув, корреляцион ва регрессион таҳлил, қиёсий таҳлил, омилли таҳлил иқтисодий-математик моделлаштириш, прогнозлаш каби усуллар орқали нефть- газ саноати корхоналарнинг солиқ юкини оптималлаштириш йўлларини белгилаб бериш усули таклиф этилган. Шунингдек, 2024 йил IV-кварталдан 2026 йил I-кварталгача нефть-газ саноати корхоналари солиқ мажбуриятларининг устувор вазифаларига оид хулосалар ва солиқ юкини оптималлаштиришга оид аниқ тавсиялар ишлаб чиқилган.

Таҳлил ва натижалар. Мазкур тадқиқотда солиқ юкига корхона иқтисодий кўрсаткичларининг таъсирини эконометрик моделлаштириш масалалари кўриб чиқилган. Бунинг учун кўп омилли эконометрик модель тузиш талаб этилади. Кўп омилли эконометрик моделларнинг бошқа турдаги моделлардан асосий фарқли жиҳати шундаки, бу ерда барча омилларнинг натижавий омилга биргаликдаги таъсирини ҳисобга олади.

ISSN 3030-3907

Кўп омилли эконометрик модель тузиш учун натижавий ва таъсир этувчи омилларни ажратиб олишимиз зарур. Мақола мақсадидан келиб чиққан ҳолда натижавий омил бўлиб, жами солиқлар ва тўловлар, млн. сўм, (Y), таъсир этувчи омиллар эса - корхонанинг шартномавий нархларда сотишдан тушган тушуми, млн. сўм, (X_1), асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, млн. сўм, (X_2), ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар, млн. сўм, (X_3), сотилган маҳсулот таннархи, млн. сўм, (X_4).

Кўп омилли эконометрик моделнинг ахборот базаси бўлиб, Ўзбекистон Республикаси давлат статистика агентлиги, "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ маълумотлари ҳисобланади.

"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ маълумотлари асосида тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга барча таъсир этувчи омиллар ва натижавий омил бўйича тавсифий статистика ўтказилди. (маълумотлар 2019 йил I-чорагидан 2024-йил III-чораги бўйича олинган). Бунинг учун махсус эконометрик моделлаштириш дастури – Eviews10 дастуридан фойдаланилди. Ўтказилган тавсифий статистика натижалари қуйидаги 1-жадвалда келтирилган.

1-жавдал

Омиллар ўртасида ҳисобланган тавсифий статистика натижалари

	Y	X1	X2	X3	X4
Mean(o'rtacha)	246164,5	1926681,	308908,2	90342,39	1642222,
Median(mediana)	216547,0	1950000,	304892,0	88987,00	1635872,
Maximum(maksimum)	364787,0	2544247,	394301,0	289734,0	2740009,
Minimum(minimum)	183245,0	1253013,	226077,0	9776,000	1013414,
Std. Dev.(standart chetlanish)	59376,33	379476,6	38442,16	76086,04	444530,4
Skewness(asimmetriya)	-0,547545	-0,206778	-0,074555	1,178479	0,490525
Kurtosis(ekssess)	1,715353	1,967578	3,104006	3,878180	2,674171
Jarque-Bera(Jak-bera)	2,730809	1,185386	0,031674	6,062848	1,024096
Probability(ehtimollik)	0,255277	0,552837	0,984288	0,048247	0,599267
Sum(yig'indi)	5661785,	44313667	7104888,	2077875,	37771104
Sum Sq. Dev.(standart chetlanish yig'indisi)	7,76E+10	3,17E+12	3,25E+10	1,27E+11	4,35E+12
Observations(kuzatuvlar)	23	23	23	23	23

1- жадвал маълумотларидан ҳар бир омилнинг ўртача қиймати (*mean*), медианаси (*median*), максимал ва минимал қийматлари (*maximum*, *minimum*) қийматларини кўриш мумкин. Бундан ташқари ҳар бир омилнинг стандарт четланиши (*std. dev.* (*Standart Devation*) - стандарт четланиш коэффициенти

ISSN 3030-3907

ҳар бир ўзгарувчиларнинг ўртача қийматдан қанчалик четланганлигини кўрсатади) қийматлари келтирилган.

Skewness – асимметрия коэффициенти бўлиб, у нолга тенг бўлса нормал тақсимот эканлиги ҳамда тақсимотнинг симметриклигини билдиради. Агар бу коэффициент 0 дан анча фарқ қилса, у ҳолда тақсимот асимметрик ҳисобланади (яъни, симметрик эмас). Агар асимметрия коэффициенти 0 дан катта, яъни мусбат бўлса, у ҳолда ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги ўнг томонга сурилган бўлади. 0 дан кичик, яъни манфий бўлса, у ўрганилаётган омил бўйича нормал тақсимот графиги чап томонга сурилган бўлади.

Юқорида келтирилган 1-жадвал маълумотларидан шуни кўриш мумкинки, кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган X_1 ва X_2 омилларнинг асимметрия коэффициентлари манфий қийматлар қабул қилган ҳамда ушбу омиллар графигининг “чап думи” “ўнг думи” дан узунроқ эканлигини кўрсатади. Аммо Y, X_3 ва X_4 омилларнинг асимметрия коэффициенти мусбат қиймат қабул қилган ва ушбу омиллар графикларининг “ўнг думи” “чап думи” узунроқ бўлган.

Ҳисобланган 1-жадвалдаги қийматлардан шуни кўриш мумкинки, кўп омилли эконометрик моделга киритиладиган барча омиллар нормал тақсимот қонунига бўйсунар экан.

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар (Y) кўрсаткичига таъсир этувчи омиллар бўйича тузиладиган кўп омилли эконометрик моделга омилларни танлаш учун, омиллар ўртасида корреляцион таҳлил ўтказамиз (2-жадвал).

2-жадвал

Омиллар ўртасида ҳисобланган корреляцион матрица

Covariance Analysis: Ordinary
(Kovariant tahlili: oddiy)
Date(kun): 12/10/24 Time(vaqt): 11:49
Sample(Namuna): 2019Q1 2024Q3
Included observations(Kiritilgan kuzatishlar): 23
Correlation(корреляция)
t-Statistic(т-статистика)

Probability(ehtimollik)	Y	X1	X2	X3	X4
LNY	1,000000				
LNX1	0,731840	1,000000			
t-Statistic(т-статистика)	4,612028	-----			
Correlation(корреляция)	0,0019	-----			

ISSN 3030-3907

LNX2	-0,647895	0,604591	1,000000		
t-Statistic(т-статистика)	-3,619737	3,478292	-----		
Correlation(корреляция)	0,0032	0,0052	-----		
LNX3	-0,732454	0,585888	0,640616	1,000000	
t-Statistic(т-статистика)	-4,612376	3,319227	3,623182	-----	
Correlation(корреляция)	0,0019	0,0026	0,0032	-----	
LNX4	0,675104	0,647665	0,588748	0,590613	1,000000
t-Statistic(т-статистика)	3,311281	3,620729	3,337780	3,356944	-----
Correlation(корреляция)	0,2039	0,0033	0,0051	0,0049	-----

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар (Y) ва корхонанинг шартномавий нархларда сотишдан тушган тушуми (X_1) ўртасида боғланиш зичлиги 0,7318 га тенг. Бу эса ушбу икки омил ўртасида ўртачадан юқори, тўғри боғланиш мавжудлигини кўрсатмоқда. “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар (Y) ва корхона асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати (X_2) ўртасида ўртача, тескари боғланиш мавжуд экан, яъни улар орасида хусусий корреляция коэффициенти -0,6479 га тенг. “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар (Y) ва ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар (X_3) ўртасида ўртачадан юқори, тескари боғланиш мавжуд, чунки ҳисобланган хусусий корреляция коэффициенти -0,7324 га тенг. “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар (Y) ва сотилган маҳсулот таннархи (X_4) ўртасида ўртачадан юқори, тўғри боғланиш мавжуд, чунки ҳисобланган хусусий корреляция коэффициенти 0,6751 га тенг.

Бундан ташқари 2-жавдалда ҳисобланган маълумотлар бўйича таъсир этувчи омиллар ўртасида жуфт корреляция коэффициентлари ҳам келтирилган. Ушбу коэффициентлар орқали омиллар ўртасида мультиколлинеарлик аниқланади. Агар таъсир этувчи омиллар (X_i, X_j) ўртасида жуфт корреляция коэффициентининг ҳисобланган қиймати 0,7 дан катта бўлса, омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд дейилади. Омиллар ўртасида хусусий ва жуфт корреляция коэффициентлари матрицаси ҳисобланган 2-жадвалдан кўриш мумкинки, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖтўлаган жами солиқлар ва тўловларга (Y) таъсир этувчи омиллар ўртасида жуфт корреляция коэффициентининг ҳисобланган қиймати 0,7дан

ISSN 3030-3907

катта эмас экан. Бу эса ўз навбатида танланган барча омилларни кўп омилли эконометрик моделга киритиш шартига мос келади.

Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигини текширишнинг яна битта усули - бу VIF (Variance Inflation Factors - мультиколлинеарлик самарасини) коэффициентларини ҳисоблашдир. Ҳар бир омил бўйича ҳисобланган VIF коэффициентлари қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

3-жадвал

Таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик самарасини ўлчаш

Variance Inflation Factors(мультиколлинеарлик самараси)
Date(kun): 12/10/24 Time(vaqt): 11:53
Sample(misol): 2019Q1 2024Q3
Included observations(Kiritilgan kuzatishlar): 23

Variable(O'zgaruvchi)	CoefficientVariance(Dispersiya koeffitsenti)	CenteredVIF(Markazlashgan VIF)
X_1	0,009897	1,233707
X_2	0,153937	1,969154
X_3	0,074013	3,708841
X_4	0,009590	6,404201
C	1,18E+10	NA

Агар таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд бўлса, у ҳолда CenteredVIF>10 бўлади. 3-жадвалдан кўриш мумкинки, "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖтўлаган жами солиқлар ва тўловлар бўйича барча таъсир этувчи омилларнинг VIF коэффициентлари 10 дан кичик. Демак, бу ҳам омиллар ўртасидаги корреляция таҳлили каби таъсир этувчи омиллар ўртасида мультиколлениарлик мавжуд эмаслигини кўрсатмоқда.

Демак, омиллар ўртасида мультиколлинеарлик мавжуд эмаслигини ҳисобга олган ҳолда "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖтўлаган жами солиқлар ва тўловларга (Y) ва унга таъсир этувчи омиллар (X_i) бўйича кўп омилли эконометрик модель тузамиз. Мазкур кўп омилли эконометрик модель қуйидаги кўринишга эга:

$$Y = \beta_0 + \beta_1 X_1 + \beta_2 X_2 + \beta_3 X_3 + \varepsilon \qquad (1)$$

бу ерда Y – натижавий омил, x_i – таъсир этувчи омиллар, ε – тасодифий хато.

Кўп омилли эконометрик моделдаги (1) номаълум $\beta_0, \beta_1, \beta_2, \ldots, \beta_n$ параметрлар қийматларини аниқлашда "энг кичик квадратлар усули" дан фойдаландик. Натижалар қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

ISSN 3030-3907

4-жадвал

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модел параметрлари

Dependent Variable(Bog'liq o'zgaruvchi): LNY
Method: Least Squares(Usul: Eng kichik kvadratlar)
Date(kun): 12/10/24 Time(vaqt): 11:53
Sample(Misol): 2019Q1 2024Q3
Includedobservations(Kiritilgan kuzatishlar): 20

Variable	Coefficient	Std. Error	t-Statistic	Prob.
X_1	0,035121	0,009486	3,702404	0,0011***
X_2	-0,171600	0,077348	-2,218540	0,0599**
X_3	-0,658310	0,272053	-2,419750	0,0083***
X_4	0,106153	0,048930	2,169487	0,0614**
C	116652,2	108752,1	1,072643	0,6684
R-squared(R-kvadrat)	0,810172	Mean dependent var(Bog'liq o'zgaruvchi o'rtachasi)		246164,5
Adjusted R-squared(Tekislangan R-kvadrat)	0,779099	S.D. dependent var(Bog'liq o'zgaruvchi standart chetlanishi)		59376,33
S.E. of regression(Regressiyani standart xatoligi)	50413,99	Akaike info criterion(Akayke axborot mezoni)		24,68359
Sum squared resid(Qoldiqlar kvadrati yig'indisi)	4,57E+10	Schwarz criterion(Shvarts mezoni)		24,93043
Loglikelihood(Logarifmik haqiqatga yaqinligi)	-278,8612	Hannan-Quinn criter(Xannan Kuin mezoni).		24,74567
F-statistic(F-statistika)	31,29346	Durbin-Watson stat(Darbin-Uotson statistikasi)		1,853380
Prob(F-statistic)(Ehtimollik(F-statistika))	0,000536			

Изоҳ: *** - 0,05 фоиз аниқликда, ** - 0,1 фоиз аникликда

Ҳисобланган 4-жадвал маълумотларидан фойдаланиб,"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар (Y) бўйича ҳисобланган кўп омилли эконометрик моделни аналитик кўринишда ифодалаймиз:

ISSN 3030-3907

$$\hat{Y} = 116652,2 + 0,035X_1 - 0,172X_2 - 0,658X_3 + 0,106X_4 \quad (2)$$

Ҳисобланган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатадики, корхонанинг шартномавий нархларда сотишдан тушган тушуми (X_1) ўртача бир млн. сўмга ортса, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловлар (Y) ўртача 0,035 млн. сўмга ортар экан. Корхонада асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг (X_2) ўртача бир млн. сўмга ортиши, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловларни (Y) ўртача 0,172 фоизга камайишига олиб келар экан. Корхонада ишлаб чиқаришга киритилган инвестицияларнинг (X_3) ўртача бир млн. сўмга ортиши, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловларни (Y) ўртача 0,658 млн. сўмга камайишига олиб келар экан. Корхонада сотилган маҳсулот таннархи (X_4) ўртача бир млн. сўмга ортиши, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловларни (Y) ўртача 0,106 млн. сўмга ортишига олиб келиши мумкин экан.

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (2) сифатини текширишда детерминация коэффициентидан фойдаланамиз. Детерминация коэффициенти натижавий омил неча фоизга моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатади. Ҳисобланган детерминация коэффициенти (R^2 - R-squared (4-жадвал)) 0,8105 га тенг. “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловларнинг (Y) 81,05 фоизи ҳисобланган (2) кўп омилли эконометрик моделга киритилган омиллардан ташкил топишини кўрсатмоқда. Қолган 18,95 фоизи (100,0-81,05) эса ҳисобга олинмаган омиллар таъсири эканлигини кўрсатмоқда.

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар бўйича тузилган (2) кўп омилли эконометрик моделнинг статистик аҳамиятлигини текшириш учун Фишернинг F-мезони жадвал қийматини топамиз. F-мезоннинг жадвал қиймати $F_{\text{жадвал}} = 2,93$ га тенг. F-мезоннинг ҳисобланган қиймати $F_{\text{хисоб}}$=31,2935 ва жадвал қиймати $F_{\text{жадвал}}$=2,91 га тенг эканлигидан келиб чиқиб ва $F_{\text{хисоб}} > F_{\text{жадвал}}$ шарти бажарилганлиги учун (2) кўп омилли эконометрик моделни статистик аҳамиятли дейиш мумкин.

Ҳисобланган кўп омилли эконометрика моделдаги (2) параметрларнинг ишончлилигини Стьюдент t-мезони орқали текширамиз. t-мезоннинг жадвал қиймати $t_{\text{жадвал}} = 2,1009$ га тенг. Кўп омилли эконометрик моделга киритилган барча омиллар бўйича t-мезоннинг ҳисобланган қийматлари $\alpha = 0,05$ ва $\alpha = 0,1$ аниқликда жадвал қийматидан катта эканлигини кўриш мумкин (4-жадвал). Бу эса барча омилларни ишончли эканлигини билдиради ва мазкур омилларга кўп омилли эконометрик моделда иштирок этишига имкон беради.

ISSN 3030-3907

“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар бўйича тузилган кўп омилли эконометрик модель (2) бўйича натижавий омил ($\ln Y$) қолдиқларида автокорреляция мавжудлигини текшириш учун Дарбин-Уотсон (DW) мезонидан фойдаланамиз. Ҳисобланган DW қиймати жадвалдаги DW_L ва DW_U билан таққосланади. Агар $DW_{\text{ҳисоб}}<DW_L$ дан кичик бўлса, натижавий омил қолдиқларида автокорреляция мавжуд дейилади. $DW_{\text{ҳисоб}}>DW_U$ дан катта бўлса, натижавий омилқолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас дейилади. Дарбин-Уотсон мезонининг пастки чегараси қиймати DW_L=0,99 га тенг ва юқори чегараси қиймати DW_U=1,79 га тенг. $DW_{\text{ҳисоб}}$=1,8534 га тенг. Демак, $DW_{\text{ҳисоб}}>DW_U$ бўлгани учун натижавий омил (“Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар ($\ln Y$)) қолдиқларида автокорреляция мавжуд эмас экан.

Ушбу ҳолатлардан фойдаланиб (2) кўп омилли эконометрик модель ёрдамида “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловларни келгуси даврларга прогноз ҳисобларини амалга оширамиз.

Бунинг учун аввало ҳар бир таъсир этувчи омил бўйича тренд модель тузамиз. Тренд модель – бу таъсир этувчи омилнинг вақтга боғлиқ функциясидир ҳамда у умумий ҳолда қуйидаги кўринишга эга:

$$X_i = \beta_0 + \beta_1 \cdot t + \varepsilon \qquad (3)$$

Корхонанинг шартномавий нархларда сотишдан тушган тушуми (X_1) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$X_1 = 1454593,0 + 39340,71 \cdot t \qquad (4)$$

$$R^2 = 0,7031,\ F_{\text{ҳисоб}} = 20,5342,\ t_{\text{ҳисоб}} = 4,5315$$

Корхонада асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати (X_2) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$X_2 = 258608,0 + 4191,583 \cdot t \qquad (5)$$

$$R^2 = 0,7395,\ F_{\text{ҳисоб}} = 25,3488,\ t_{\text{ҳисоб}} = 5,0348$$

Корхонада ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар (X_3) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$X_3 = 31432,4 + 10147,9 \cdot t \qquad (6)$$

$$R^2 = 0,9046,\ F_{\text{ҳисоб}} = 94,5602,\ t_{\text{ҳисоб}} = 9,7242$$

Корхонада сотилган маҳсулот таннархи (X_4) бўйича тренд модель қуйидаги кўринишга эга:

$$X_4 = 1051836,0 + 49198,83 \cdot t \qquad (7)$$

$$R^2 = 0,7506,\ F_{\text{ҳисоб}} = 27,1057,\ t_{\text{ҳисоб}} = 5,2063$$

Таъсир этувчи омиллар ва вақт омили ўртасида тузилган тренд моделлар таҳлили шуни кўрсатадики (4) – (7) тренд моделлардаги барча ҳисобланган

ISSN 3030-3907

коэффициентларнинг статистик аҳамиятлилиги, параметрларининг ишончлилиги аниқланди. Демак, (4) – (7) тренд моделларини ҳисоблаймиз ва уларнинг ҳисобланган қийматларини (2) кўп омилли эконометрик моделга қўйиб, аввало таъсир этувчи омилларнинг (X_j) прогноз қийматларини, кейин эса натижавий омилни (Y) прогноз ҳисоб-китобларини амалга оширамиз. Натижада "Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловларнининг (2) кўп омилли эконометрик моделга киритилган ўзгарувчиларининг прогноз давридаги қийматларига эга бўламиз (5-жадвал).

5-жадвал

"Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи" МЧЖнинг 2019-2024 йиллардаги тўлаган жами солиқлар ва тўловлар ва унга таъсир этувчи кўрсаткичларнинг 2024-2026 йилларга прогноз ҳисоб-китоблари қийматлари[6]*

Йиллар	Жами солиқлар ва тўловлар, млн. сўм, Y	Шартномавий нархларда сотишдан тушган тушум, млн. сўм, X_1	Асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, млн. сўм, X_2	Ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар (капитал қўйилмалар), млн. сўм, X_3	Сотилган маҳсулот таннархи, млн. сўм, X_4
2019.1	281672,0	1805232,0	263452,0	9776,0	1456829,0
2019.2	321589,0	1852704,0	226077,0	11687,0	1451951,0
2019.3	332587,0	1950000,0	287144,0	12458,0	1624898,0
2019.4	364787,0	2150000,0	301229,0	12756,0	1854789,0
2020.1	183245,0	1324725,0	245964,0	24569,0	1013414,0
2020.2	187963,0	1356539,0	256879,0	25478,0	1125875,0
2020.3	192587,0	1452175,0	302145,0	26587,0	1125365,0
2020.4	206978,0	1645877,0	339629,0	26695,0	1245857,0
2021.1	196321,0	1253013,0	296321,0	65789,0	1186247,0
2021.2	216547,0	1587965,0	314587,0	72147,0	1154789,0
2021.3	225789,0	1625321,0	301258,0	78214,0	1221539,0
2021.4	223309,0	1745874,0	329363,0	88987,0	1256987,0
2022.1	294205,0	1874592,0	302878,0	99563,0	1635872,0
2022.2	305982,0	2145879,0	301489,0	100235,0	1752478,0
2022.3	321489,0	2015487,0	305214,0	101254,0	1758365,0
2022.4	312583,0	2341873,0	394301,0	99833,0	1950086,0
2023.1	187653,0	2187525,0	304892,0	110008,0	1857321,0

[6] Муаллиф ишланмаси

ISSN 3030-3907

2023.2	198756,0	2156987,0	312589,0	114133,0	1885471,0
2023.3	190258,0	2231000,0	314258,0	115789,0	1954789,0
2023.4	215427,0	2376893,0	356672,0	123578,0	2157371,0
2024.1	197002,6	2211932,2	344944,0	217546,0	2160807,0
2024.2	203485,7	2477826,7	349496,0	251059,0	2199995,0
2024.3	301569,3	2544247,0	354107,0	289734,0	2740009,0
2024.4*	**260118,2**	**2498769,8**	**359208,3**	**212117,2**	**2232607,2**
2025.1*	**259480,0**	**2538110,5**	**363400,0**	**222265,1**	**2281806,0**
2025.2*	**258841,8**	**2577451,2**	**367591,7**	**232413,0**	**2331004,8**
2025.3*	**258203,6**	**2616791,9**	**371783,4**	**242560,9**	**2380203,6**
2025.4*	**257565,5**	**2656132,6**	**375975,0**	**252708,8**	**2429402,4**
2026.1*	**256927,3**	**2695473,3**	**380166,7**	**262856,7**	**2478601,2**

Ҳисобланган 5-жадвал маълумотларидан фойдаланиб, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловлар 2019 йилдан 2021 йилларгача пасайиш тенденциясида бўлиб, прогноз кўрсаткичларга таянадиган бўлсак, 2024 йил ва 2026 йил давомида жами солиқлар ва тўловларни келгуси даврларга прогноз ҳисоблари камайиб бориб, корхонанинг шартномавий нархларда сотишдан тушган тушуми, асосий ишлаб чиқариш фондлари қиймати, ишлаб чиқаришга киритилган инвестициялар ва сотилган маҳсулот таннархи ўсиб бориш тенденциясига эга бўлиб турибди. Бу кўрсаткичлар шундан далолат беради, корхонада солиқ юкини оптималлаштириш мумкинлигини кўрсатади.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб олинадиган бўлса, юқоридаги олиб борилган тадқиқотлар натижаси кўрсатишича, “Бухоро нефтни қайта ишлаш заводи” МЧЖ тўлаган жами солиқлар ва тўловларига бир қатор омиллар ўз таъсирини кўрсатиши аниқланди.

Бунда олиб борган тадқиқотимиз натижасида ишлаб чиқилган кўп омилли эконометрик модель шуни кўрсатдики:

– корхонанинг шартномавий нархларда сотишдан тушган тушуми ўртача 1,0 фоизга ортса, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловлар ўртача 0,035 фоизга;

– корхонада асосий ишлаб чиқариш фондлари қийматининг ўртача 1,0 фоизга ортиши, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловларни ўртача 0,172 фоизга камайишига;

– корхонада ишлаб чиқаришга киритилган инвестицияларнинг ўртача 1,0 фоизга ортиши, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловларни ўртача 0,658 фоизга камайишига;

ISSN 3030-3907

– корхонада сотилган маҳсулот таннархи ўртача бир млн. сўмга ортиши, корхона тўлаган жами солиқлар ва тўловларни ўртача 0,106 фоизга ортиши аниқланди.

Олиб борилган тадқиқотларга таянадиган бўлсак, ҳозирги тез ўзгарувчан шароитда монопол корхоналар ҳам мослашувчан бўлиши керак. Шундагина биз рақобатга бардошли инфратузилмани яратиш бўйича ишларни бошлашимиз лозим бўлади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.09.2023 йилдаги ПФ-158-сонли «Ўзбекистон — 2030» стратегияси тўғрисида Фармони.
2. Пансков В.Г. Налоги и налоговая система Российской Федерации. М.: Финансы и статистика. 2005. с.- 93.
3. Вылкова Е.С., Романовский М.В. Налоговое планирование. – СПб., Питер, 2004. с. – 476
4. Маликов Т. Солиқ юки. Нима у? – Т.: Молиячи газета. 2015 й №6. 4-б.
5. Яҳёев Қ. Солиққа тортиш назарияси ва амалиёти. Дарслик. – Т.: Ғ.Ғулом. 2000. – 16-б.
6. Ваҳобов А.В., Жўраев А.С. “Солиқлар ва солиққа тортиш”. Шарқ. Тошкент 2009й.
7. Тўраев Ш.Ш. Хўжалик субъектларининг солиқ юкини оптималлаштириш масалалари. диссертация и.ф.н. Тошкент.:-2007 й. 88-89 б.
8. Тошев Ф. З. МЕТОДОЛОГИЧЕСКИЕ АСПЕКТЫ ОПРЕДЕЛЕНИЯ НАЛОГОВОГО БРЕМЕНИ //ББК 65.0501 А 43. – 2019. – С. 21.
9. Тошев Ф. З. ПУТИ СНИЖЕНИЯ НАЛОГОВОГО РИСКА ПРИ ОБЕСПЕЧЕНИИ ЭКОНОМИЧЕСКОЙ БЕЗОПАСНОСТИ //Редакционная коллегия. – 2022. – С. 379.

ISSN 3030-3907